



## PROSPECTS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF HUMAN CAPITAL IN UZBEKISTAN

*Israiljan Toshpulatov*

*Independent student*

*Fergana State University*

*Fergana, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** human capital, intellectual potential, efficiency, social development, education, knowledge, strategy, human resources.

**Received:** 29.10.22

**Accepted:** 31.10.22

**Published:** 02.11.22

**Abstract:** In this article, from a scientific and philosophical point of view, the positive aspects of the prospects for improving the efficiency of human capital as an education in Uzbekistan are revealed. It is investigated that human capital is the training of personnel whose educational value and level of knowledge are important for the development of modern society.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Исройилжон Тошпулатов*

*мустақил изланувчиси*

*Фарғона давлат университети*

*Фарғона, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** инсон капитали, интеллектуал салоҳият, самарадорлик, жамият тараққиёти, таълим, билим, стратегия, кадрлар салоҳияти.

**Аннотация:** Мазкур мақолада инсон капиталини Ўзбекистонда таълим сифатини самарадорлигини юксалтириш истиқболларининг ижобий жиҳатлари илмий-фалсафий жиҳатдан очиб берилган. Инсон капитали замонавий жамият тараққиёти учун таълим қадрияти, билим даражаси муҳим бўлган кадрларни етиштириш эканлиги ўрганилган.

## ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В УЗБЕКИСТАНЕ

*Исраилджан Тошпулатов*

*Независимый студент*

*Ферганский государственный университет*

*Фергана, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** человеческий капитал, интеллектуальный потенциал, эффективность, социальное развитие, образование, знания, стратегия, кадровый потенциал.

**Аннотация:** В данной статье с научно-философской точки зрения раскрываются положительные стороны перспективы повышения эффективности человеческого капитала в качестве образования в Узбекистане. Исследовано, что человеческий капитал – это подготовка кадров, образовательная ценность и уровень знаний которых важны для развития современного общества.

### КИРИШ

Жамиятни асосий ҳаракатга келтирувчи кучи халқ оммасини жамиятдаги тараққиётнинг янги стратегиясида билимлар ижтимоийлашувини таъминлашдир. Бу эса ўз навбатида жамият тараққиётининг белгилаб берувчи инсон капиталининг аҳамиятини ўрганишни тақозо этади. Жамиятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг рационал йўллари излаб топиш ва унинг институтционал тизимини такомиллаштириб бориш орқали ёшларни инсон капиталига бўлган муносабатларини тўғри шакллантиришга эришилади. Инсон капиталини янгича қиёфасини ишлаб чиқишга жорий қилиниши ва унинг самарадорлигини аниқлаш билан жамият тараққиёти белгиланади.

Инсон капитали орқали фақат биргина инсоннинг ўзига эмас, балки жамиятга фойда келтириши мумкин. Бу эса миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилиши заруратини тақозо қилади. Миллий қадриятлар инсон капитали ривожланишига қандай таъсир қилиши албатта, глобаллашув шароитида янгиланиш ва юксалишлар ҳар бир соҳада интерациялашув, инновацион тафаккурни ва уларга асосланган жамоавий уйғунлашувни ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни талаб этади. Шу билан бирга “Миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш”[1] га ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам давлатнинг инновацион ривожланишининг устувор йўналишларидан бири бу инсон капиталини шакллантириш ва

такрор ишлаб чиқариш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилган институционал ислохотларнинг самарадорлигини белгилашдир.

Бизнингча, инсон капитали - вақт ўтиши билан маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган таълим, иш жойида олинган билимлар, соғлиқ ва бошқалар каби ўзлаштирилган фазилатлар йиғиндисидир. Жамият ҳаётида бир ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиш осон кечадиган жараён эмас. Бу босқичда барча соҳаларда барқарор тараққиёт учун зарур замин вужудга келтирилиши лозим. Улар эса, ўз-ўзидан юзага келмайди. Аввало, мамлакат тараққиёти даражалари, халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, менталитетдан келиб чиқиб, ўтиш даврининг стратегик моделини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга татбиқ қилиш талаб этилади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда инсон капитали самарадорлигини юксалтириш истиқболлари сифатида таълим тизимидаги ислохотларни келтириш мумкин. Унга кўра таълим инсон капиталининг асосий компонентларидан биридир ва у таълим тизими, таълим хизмати, таълимнинг сифати ва ижтимоий ҳамкорлик каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бугунги кунда дунёда таълим барча қитъалар, мамлакатлар, ижтимоий қатламлар орасида оммалашиб бормоқда. Тадқиқотларга кўра мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш[2] зарурати ҳар қандай давлат ва жамиятнинг моддий ва номоддий капиталлари қаторидан жой ола бошлады. Бу эса Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон капиталини жамият ривожи учун эмпирик услублар ёрдамида илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади. Унга кўра жамият тажрибасидан келиб чиқиб, реал ҳолатларда инсон омиллари жуда катта муҳим эканлиги намоён бўлади. Инсон капиталини омили таълим билан ифодаланганда кадрлар салоҳиятини сифатли ва сонли омиллари билан ифодалаш мумкин. Демак, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **“Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш мақсад қилинган бўлиб, унга кўра “кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибини жорий этиш, 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш, давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, шу жумладан улар томонидан меҳнатга ҳақ**

тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиётини йўлга қўйиш, давлат олий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаш”[3] кўза тutilган. Бу орқали олий таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш, салоҳиятли кадрлар тайёрлашдаги ўрнини ўстириш, инсон капиталининг ҳақиқий салоҳиятини намоён қилишларига имконият беришга қаратилади.

Бунинг учун эса, стратегияда **“2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш, 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини танлаш, салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш”**[4]га доир йўналишлар ҳам белгилаб берилган.

Жамиятни янгилашиши инсон капитали ижобий жиҳатдан ўрганишни тақозо қилина бошлади. Агар дастлаб ишлаб чиқаришнинг энг қиммат омилларидан бири хом-ашё ҳисобланган бўлса, энди у энг самарали жиҳати инсон капиталидир. Мамлакатимизда сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш ҳамда жамиятимизни жадал демократлаштириш жараёнларида инсон омилининг роли ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган Стратегик ўзгаришларнинг устувор йўналишларидан бири “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда инсон капиталининг ўрни” муҳимдир. Шу маънода, жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилининг ролига доир назарий-методологик ёндашувларни сиёсий фан нуқтаи назаридан тизимли равишда ўрганиш, илмий-назарий аҳамиятга молик хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналади. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда бу борада олиб борилаётган ислохотларда инсон омилининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш механизмлари ишлаб чиқилган. Жумладан, ҳозирги даврда мамлакатимиз барқарор тараққиёти ва инсон манфаатларини таъминлаш, жамиятни жадал демократлаштириш жараёнларида, яъни “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини тизимли равишда амалга оширишга таъсир кўрсатадиган демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш воситалари аниқланган.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган, ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти каби бир қатор халқаро минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизнинг Берн конвенциясига қўшилгани бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари учун катта имкониятлар яратди[5]. Ҳар қайси даврда, ҳар бир давлат учун интеллектуалларни муҳофаза қилиш, интеллектуал авлодни шакллантириш, интеллектуалларнинг ақлий меҳнати бўлган интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлаш ҳамда интеллектуал бойлик сирасига кирувчи маданий қадрият ва меросларнинг муҳофазасини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини яратиш бош масала бўлиб қолаверади.

Иқтисодчи олимлар инсон капиталига инвестицияларнинг уч турини ажратиб кўрсатадилар:

-таълимга ҳаражатлар. У умумий ва махсус, расмий ва норасмий таълим ҳамда иш жойларига кўра тайёргарликни ўз ичига олади;

-соғлиқни сақлашга ҳаражатлар. У касаллик профилактикаси, тиббий хизмат кўрсатиш, парҳез овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, яшаш шароитини яхшилаш кабиларни ўз ичига олади;

- ҳаракатчанлик ҳаражатлари, нисбатан паст унумдорлик бўлган жойлардан ишчиларнинг кўчиши билан боғлиқ ҳаражатлардир. Шу билан бирга, инсон капиталига инвестициялар моддий ва номоддий турларга ҳам бўлиб ўрганилади[6].

Ўзбекистонда инсон капитали самарадорлигини юксалтириш истикболлари таълим билан сифат босқичига ўтганда, бизнингча, кадрлар тизимининг прогресси юз беради. Бу эса кадрлар тизимининг кадрлар янгиликларини доимий қидириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида такомиллашган ва самаралироқ шакллар, мақсадлар, таркиб ва усулларга ўтишида намоён бўлади. давлатнинг бу борадаги Стратегик мақсади аста-секин бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида меҳнат ва касбий-таълим бозорларининг инновацион салоҳиятини, сифат жиҳатидан янги, инновацион фаол кадрлар салоҳиятини шакллантириш учун давлат, минтақа, ташкилот доирасида кадрларни инновацион бошқаришнинг самарали, кўп даражали тизимини яратишдан иборат.

## ХУЛОСА

Ҳозирда кадрлар хизмати вазифасини бажаришда “инсоний муносабатлар”нинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу масалани ҳал қилиш учун кадрлар хизматида махсус бўлинмалар ташкил этилади. Кадрлар хизматининг нисбатан янги вазифаси бу касба уюшмалари билан алоқа ўрнатиш ва вужудга келадиган зиддиятли вазиятни ҳал қилиш

хисобланади. Инсон капиталига инвестициялар меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўлланилган ихтиёрий чора, йўл ва қарорлар йиғиндисидир. Натижада бошқарувни марказлаштирилмаган ташкил этишда натижаларни белгилайдиган тизим шаклланади. Ўз-ўзини англашнинг мотивацион модели сифатида бизнингча, Ўзбекистонда инсон капитали самарадорлигини юксалтириш истиқболларининг моҳияти инсоннинг ички мотивларини фаоллаштиришдан иборат. Шуниндек, ўзини намоён қилиш имконияти, ишда ижодкорлик, хизматни тан олиш, мустақиллик ва масъулиятни кенгайтириш, мартаба истиқболлари ва касбий ўсишни ифодаланишидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январь «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” ПФ-5847-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январь «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январь «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Окюлов. О. Интеллектуал мулк муҳофазаси // Ижтимоий ҳаёт. —2008. —№1.
6. Рустамова Д. Инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг хусусиятлари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2014, № 7. — Б 34.
7. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 18(1), 171-173.
8. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 187-192.
9. Yuldashev, S. U. (2019). The role of the function of stabilization and development of society in scientific management (as socio-cultural technology). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.
10. Yuldashev, S. U. (2019). TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (11), 621-623.

11. Ганиев, Б. С., & Юлдашев, С. У. (2019, March). ПРИОРИТЕТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА. In *Современные проблемы социальной психологии и социальной работы: XIV Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием* (Vol. 20).
12. Юлдашев, С. Ё. (2022). Жамиятни инновацион бошқаришда илмий ёндашув. *Scientific progress*, 3(1), 20-25.
13. Yuldashev, S. U. (2022). SOCIO-CULTURAL FEATURES OF INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF PERSONNEL. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 36-43.
14. Юлдашев, С. У. (2021). Давлат ва жамият бошқарувида кадрлар инновацион фаолиятини юксалтиришнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. *НамДУ илмий ахборотномаси-Научный вестник НамГУ*.
15. Yuldashev, S. U. (2022). SOCIO-CULTURAL FEATURES OF INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF PERSONNEL. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 36-43.
16. Urmonalievich, Y. S. (2021). The essence of socio-cultural design in the process of scientific management of the society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(7), 236-243.
17. Karimov, U., Karimova, G., & Makhamadaliev, L. (2022). The role and significance of spiritual values in youth education. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(2), 181-185.